

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

БАШАРИЯТ ДАҲОСИ

ГЕНИЙ ЧЕЛОВЕЧЕСТВА

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

БАШАРИЯТ ДАҲОСИ

Л.Н.Толстой таваллудининг 180 йиллиги муносабати билан

Методик-библиографик кўлланма

ГЕНИЙ ЧЕЛОВЕЧЕСТВА

К 180-летию со дня рождения Л.Н.Толстого

Методико-библиографическое пособие

Тошкент – 2008

78.342

Б 39

Илмий-методика бўлими томонидан тайёрланди

Тузувчи У.Тешабоева
Мухаррирлар И.Маминова, Ҳ.Маматраимова
Матн терувчи З.Жалилова

Башарият даҳоси = Гений чөлөөчества:
Методик-библиогр. қўлл. /Алишер Навоий ном.
Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи У.Тешабоева;
Мухаррирлар: И.Маминова, Ҳ.Маматраимова.-Т.:
Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси
нашриёти, 2008.-56 б.

КБК 78.342+83.3 (2 Рос = Рус) 1

Ушбу методик-библиографик қўлланма буюк рус ёзувчиси Л.Н.Толстой ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишланган. Қўлланма ёзувчи ижодини, бой адабий меросини ўрганиш, тарғиб қилишда АКМлар, АРМлар ва кутубхоналар ходимларига ёрдам бериш мақсадида тузилган. Унда мутахассислар ўтказиши мумкин бўлган тадбирлар туркуми ҳақида маълумотлар тавсия этилган ва адабиётлар рўйхати берилган.

Қўлланмадан мутахассислар ва кенг китобхонлар оммаси фойдаланишлари мумкин.

© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008 йил.

КИРИШ

Лев Николаевич Толстой – рус ва жаҳон адабиётининг буюк даҳоси ва севимли адибларидан бири. У XIX асрда энг узок яшаган ва энг кўп асар ёзган рус ёзувчисидир.

Халқпарварлик руҳи – Л.Толстой ижодининг мағзи. Мана шу ҳиссиёт унинг мактубларида чуқур ифодасини топади. У дўстларига ҳам эсдаликларида ҳам *grand monde* – халқ учун ёзиш кераклигини қайта-қайта таъкидлайди. Шу ўринда Л.Толстой ижодидаги муҳим бир хусусиятни алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. У бир томондан, мураккаб шароитларни кўрсатувчи буюк эпик асарлар муаллифи бўлса, иккинчи томондан, ўқувчи онгига чуқур етиб борадиган оддий халқ тилида ёзилган ҳикоя ва эртакларининг ҳам ижодкоридир. Энг муҳими шуки, Л.Толстойнинг оммабоп асарлари ўша оддий кишиларни саводли қилиш, катта санъат асарларини ҳам тушунишга қодир бўлишга қаратилган. Бу услуб рус адабиётида энг буюк ёзувчилар ижодига хос, хусусан Пушкин, Горькийларни бу сафда кўриш мумкин.

Лев Николаевич Толстой ўз кундаликларининг бирида “Менинг асарларимни меҳнаткаш халқим ўқий оладиган замон келишини орзу қиламан”, – деб ёзган эди. Ўша замонлар келди. Толстой асарлари йил сайин қайта-қайта нашр этилмоқда. Унинг 90 жилдлик асарлар мажмуаси рус тилида ва бошқа ўнлаб халқларнинг тилларида нашр этилган ва нашр этилаётган мажмуаларга асос бўлди.

Ўз асарларида халқ ҳаётини, курашини, умид-орзуларини тараннум этган буюк ёзувчи ижоди чинакам халқ мулкига, унинг маънавий хазинасига, тарбия дастурига айланди.

Толстой асарларининг ёзилганига бир ярим аср бўлибди-ю, худди бугун қоғозга тушгандай, Толстой биз билан яшаётгандай туюлади. Ва ҳар бир одамнинг “Бахт нима?”, “Инсон қандай шаклланади?”, “Қандай қилиб маънавий камолотга етади?”, “Яшашдан мақсад нима?” деган саволларига ўз асарлари орқали жавоб беришдан чарчамайди.

Энг асосийси, инсон ўз ахлоқини такомиллаштириш учун яратилган, деган эътиқодини илгари суради, ана шу буюк фалсафани бошқалардан кўра олдинроқ тушуниб етди ва ҳаёт дастурини шунга асосан курди.

2008 йил улуғ рус ёзувчисининг таваллудига 180 йил тўлди. Дунё халқларининг кўпчилиги бу санани нишонлайдилар, чунки ёзувчи талантининг олмос кирралари бутун инсониятни мафтун этиб келган, унинг асарлари турли тилларга таржима қилинган. Абдулла Авлоний, Маннон Роик, Абдулла Қаҳҳор, Кибриё Қаҳҳорова, Уйғун, Мирзакалон Исмоилий, Ойбек, Ҳамид Ёулум, Асқад Мухтор, Шайхзода ва бошқалар Толстой асарларини ўзбек тилига таржима қилганлар. Ёзувчининг асарлари умумбашарийлиги ва ҳамма даврлар учун ҳозиржавоблиги билан барчани мафтун этиб келмоқда.

Республикамиз АКМлар ва АРМлар ҳамда кутубхоналари Л.Н.Толстойнинг ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган – бой адабий меросини тарғиб қилиш учун АКМ ва АРМларда ёзувчи ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий-амалий конференциялар, адабий-бадиий тадбирлар, давра суҳбатлари, ижодкорлар билан учрашувлар, савол-жавоб кечалари сингари оммавий тадбирларнинг турли-туман шакл ва усулларидан фойдаланишлари мумкин.

Тадбирларни ташкил қилишда ва ўтказишда АКМ ва АРМлар Тошкентдаги Рус маданият маркази, унинг вилоятлардаги марказлари, Россиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Маънавият тарғибот маркази, “Камолот” ва бошқа кўплаб ташкилотлар билан ҳамкорлик ишларини тавсия қиламиз.

Лев Николаевич Толстой

Лев Николаевич Толстой 1828 йил 28 августда (янги ҳисоб бўйича 9 сентябрь) Тула губерниясидаги Ясная Поляна қишлоғида туғилди ва умрининг кўп қисмини шу ерда ўтказди. Толстой Россиядаги қадимий дворянлар сулоласидан, граф. Петербург Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси, фахрий академик. 1844 – 1847 йилларда Қозон университетининг араб-

турк ва ҳуқуқшунослик факультетларида ўқиган, лекин ўша вақт университетда ўқитиладиган дарслар савиясидан қаноатланмагани учун ўқишни тамомламай ташлаб кетган.

1851 йилда Толстой акаси Николай билан бирга Кавказга боради. Шу ерда “Болалик” ва “Ўсмирлик” повестларини яратади ҳамда “Казаклар” номли машҳур повестини ёза бошлайди. Кавказдан қайтиб келгандан кейин Толстой Дунайда туркларга қарши урушаётган кўшин сафига сафарбар қилинади.

1854 йил ноябрида эса Қримга кўчирилади. Бу ерда Толстой шонли Севастополь муҳофазасида қатнашади, жуда кўплаб кишилар билан учрашади. Севастополдаги жангларда қатнашиш Толстойга жанговар ҳаёт ва уруш тўғрисида ҳикоялар ёзиш учун катта манба бўлди ва унинг машҳур “Севастополь ҳикоялари” юзага келди.

“Севастополь ҳикоялари”да Толстой урушни шундай тасвир этадики, унгача урушнинг бундай тасвири адабиётда сира кўрилмаган эди.

1855 йилда Толстой Петербургга бориб, Н.А.Некрасовнинг “Современник” журналида ва журнал атрофидаги ёзувчилар билан – И.С.Тургенев, Н.Г.Чернишевский, И.А.Гончаров ва бошқалар билан ҳамкорлик қилади.

Толстой яшаган давр Россия тарихининг энг мураккаб ва энг шиддатли даври саналади. Ёзувчиларнинг йигитлик йилларида Наполеон босқини ва рус халқининг қаҳрамонлиги ҳақидаги хотиралар, нақллар тилдан-тилга кўчиб юрар, деҳқон кулбасида ва пойтахт меҳмонхоналарида, суҳбатларда бу мавзу четлаб ўтилмас эди.

Табиийки, Толстой ҳам Ватан урушининг қаҳрамонлари билан тез-тез учрашиб туради, уруш ҳақиқатларини уларнинг ўз оғзидан тинглайди. Рус ва жаҳон адабиёти хазинасидан мустаҳкам ўрин олган “Уруш ва тинчлик” (1863 – 1869) эпопеясини Толстой ижодий камолотининг чўққиси деса бўлади.

“Уруш ва тинчлик”нинг асосий ва чинакам қаҳрамони – жонажон ватанини Наполеон босқинчиларидан фидокорлик билан ҳимоя қилган рус халқидир. Толстой урушнинг халқ

уруши эканлигини айтиб, “руслар” халқ уруши тўқмоғини кўтардилар ва у билан “французларни тамом янчдилар” деб таъкидлайди.

Айрим совет адабиётшунослари гарчанд бу асарни Толстойнинг ўз даври муаммоларидан қочиши, деб баҳолаган бўлсалар-да, ёзувчи “Уруш ва тинчлик” романи билан ўз даврида рўй берган ва ўзи шахсан гувоҳ бўлган воқеаларга фаол муносабат билдирган. Энг муҳими, у Наполеоннинг 1805 – 1807 ва 1812 – 1814 йиллардаги ҳарбий юришлари мавзуга мурожаат этиб, кўплаб қаҳрамонлар иштирок этган эпик воқеалар билан бирга қаҳрамонларнинг руҳий тасвирлари илк бор катта маҳорат билан уйғунлашган тарихий роман жанрини яратди. Ҳолбуки, XIX аср ўрталарида эпик асарлар даври ўтди, деган фикрлар кенг тарқалган, 60-йилларда рус жамиятида куч ола бошлаган синфий зиддият ва курашлар эса “Уруш ва тинчлик”дек эпопеянинг майдонга келиши учун унумли замин бўла олмас эди. 1812 йилда Россиянинг Наполеон қўшинлари томонидан босиб олиниши мумкинлиги бир-бири билан келиша олмаган турли табақа ва синфларни душманга қарши кураш шиори остида бирлаштирдик, Толстойнинг рус халқи онгидаги ана шу уйғонишга мурожаат этиши “Уруш ва тинчлик” романининг юзага келиши учун ҳаётбахш замин вазифасини ўтади.

Лев Николаевич Толстойнинг 1870 йиллар ижодида “Анна Каренина” романи алоҳида мавқега эга. “Уруш ва тинчлик”дан бу романи ёзгунига қадар бўлган даврда Толстойнинг рус жамиятидаги ижтимоий тенглик ва адолат тўғрисидаги орзу-умидлари рўёбга чиқмади. 60-йиллардаги ислоҳот ёзувчи кутган натижани бермади. “Анна Каренина”да Толстойнинг жамият ҳаётида кечаётган нохуш жараёнлар ҳақидаги изтиробли ўйлари акс этди. Лев Николаевич Толстой бу романида ўз бахтига эга бўлмаган, ўз хоҳиши билан ҳаёт қуриш ҳуқуқидан маҳрум этилган, гўзал қалбли Аннанинг унутилмас образини яратди.

Адабиётшунослар Толстойнинг дастлаб бу асарни ёзишдан мақсади ҳаёти фожеа билан яқунланадиган Аннани қоралаш, тинч ва иноқ оиласи бағрида осойишта яшаётган Китини яхши турмуш фонида тасвирлаш бўлганини, бироқ ҳаёт мантиғи

асарни ёзиш давомида адибни ўз қарашларини қайта кўриб чиқишга, ўзгартиришга даъват этганини таъкидлайдилар. “Анна Каренина” кўп жиҳати билан автобиографик, изланиш романи бўлиб, унинг устида ишлаш давомида Толстой ўзининг замонга муносабатини ўзи учун ойдинлаштирган” (Кр. литературная энциклопедия. Том VII. М., 1972. с. 556).

Романда Каренинлар, Облонскийлар ва Левинлардан иборат 3 оиланинг бир-бири билан чатишган, аммо мустақил сюжет чизиғига эга бўлган тарихи тасвир этилган. Лев Николаевич Толстой рус ёзувчиларидек насроний динига катта эътиқод қўйган, ҳаётда рўй бераётган воқеаларга ва кишиларнинг ҳатти-ҳаракатларига ҳам шу нуқтаи назардан ёндашган. Толстойнинг оила масаласига, чунончи, Каренинлар оиласида содир бўлаётган воқеаларга ёндашувида ҳам диний қарашлар сезилади. У жамият аъзоларида қандай чиркин хислатлар мавжуд бўлмасин, кишилар диний қонун-қоидалар доирасида ҳаракат қилишлари лозим, акс ҳолда жамият ҳалокат сари боради, деган фикрдан келиб чиқиб, қаҳрамонлар образини яратади.

1870-йилларда рухий изтироб иқлимида яшаган Толстой ўз ҳаёт йўлини қайта назардан ўтказди ва шу жараёнда ижтимоий келиб чиқиши, тарбияси ва ҳаёт йўли билан боғлиқ жамият қатламининг маънавий асослари ёлғонга асосланган, деган хулосага келади. Унинг бундай қарашлари “Иқрорнома” ва “Эътиқодим нимада?” асарларида ўз ифодасини топади.

Олтмишинчи-етмишинчи йилларда Толстой Европа мамлакатларига икки марта сафар қилади. У Европа халқларининг ҳаёти билан танишади. Айниқса, халқ маорифи ишларини кўздан кечиради. У Франция ёки Швейцария мактаблари иши билан танишар экан, ўз ватани – Ясная Полянада деҳқон болалари учун очган мактабда ўзгалар тажрибасидан фойдаланмоқчи бўлади. Бироқ ёзувчи Европадан ҳафсаласи пир бўлиб қайтади. У ерда маориф соҳасидаги расмийчилик мактаб эшикларининг меҳнаткаш болалари учун берклиги ва бошқа жиддий ижтимоий нуқсонлар буюк маърифатпарварнинг кўзини очди ва у Россияга қайтиб келгач,

халқ маорифини ривожлантиришга янада қаттиқроқ бел боғлайди.

Лев Толстой 1890 йилларда драматургия жанрларида ҳам ижод қилиб, “Зулмат ҳокимияти” драмаси ва “Маърифат мевалари” комедиясини ёзади. Толстой дунёқарашида тобора кучайиб бораётган зиддиятлар унинг сўнгги йирик асарларидан бири – “Тирилиш” романи (1889 – 1899) да ўз аксини топган. Ҳаётда бўлиб ўтган оддий воқеа – бир суд жараёни асосида яратилган бу асарда Толстой ижтимоий адолатсизликка асосланган жамиятининг ички, маънавий асосларини очиб ташлайди. Мазкур асардаги кишилар тақдири билан воқеаларнинг ўзаро чамбарчас боғлиқлиги масаласи “Ҳожимурод” қиссасининг ҳам асосини ташкил этган.

Лев Толстой диндор ёзувчи сифатида кишилар руҳиятидаги зиддиятларни тасвир этибгина қолмай, ўзи ҳам жамият ва кишилар ҳаётидаги бундай зиддият ва майллардан жароҳатланиб яшаган. Ёзувчидаги мураккаб руҳий ҳолат унинг сўнгги асарлари: “Тирик мурда”, “Балдан сўнг” да ҳам акс этган. Жамиятга қарам бўлмаслик, ўз қарашлари изидан кетиш учун, шунингдек, яқин кишилари тўқиган иғво ва фасод тўридан қочиб, 1910 йил Ясная Полянадан бош олиб чиқиб кетади.

Лев Николаевич Толстой жасади ўз Ватани – Ясная Полянага қўйилди. Буюк ёзувчининг Ясная Полянадаги уйи – уй-музей сифатида барча кишилар учун очик.

Ўзбекистонда Толстой ижодига қизиқиш у ҳаёт пайтларида бошланган. Унинг “Одамлар нима билан тирик?”, “Худо ҳақиқатни кўрса ҳам тезда айта олмайди” мақолалари 1887 – 1902 йилларда “Туркистон вилоятининг газети” да ўзбек тилида нашр этилган. Толстой ҳақидаги “Россия мамлакатининг машҳур ёзувчиси” деб номланган мақола эса 1889 йил шу газетада таниқли маърифатпарвар Сатторхон Абдуғафоров таржимасида босилган.

Л.Н.Толстойнинг болалар учун ёзган қатор ҳикоялари Саидрасул Азизий (“Устои аввал”, 1902), Алиасқар Калинин (“Муаллими соний”, 1903), Абдулла Авлоний (“Биринчи муаллим”, 1909; “Иккинчи муаллим”, 1912) сингари жаҳид

маърифатпарварларининг ўқув қўлланмалари ва дарсликлариди эълон қилинган ҳамда усули савтия мактаблариди ўқитилган.

Лев Николаевич Толстой нафақат буюк ёзувчи, балки адолатпарвар ва халқпарвар инсон сифатида ҳам ўзбек жадидларининг эътиборини ўзига жалб этган. Биринчи ўзбек адвокати Убайдулла Хўжаев 1909 йилда Толстойга хат ёзиб, ундан “ёмонликга қаршилиқ қилмай, унга бўйин эгиш керак, деган таълимот билан ёвузликнинг қарши курашишини бир-бирига қандай қилиб қўйиш мумкин”? – деб сўрайди. 1909 йил 5 июнда Толстойнинг Убайдулла Хўжаевга ўз қўли билан ёзган жавоб хати ёзувчи дунёқарашидидаги ўзгаришни белгиловчи ҳужжат сифатида қаралади. Ислом динининг таниқли арбобларидан бири Абдувоҳид Қориев эса, 1910 йил Ясная Полянага махсус бориб, Толстой билан бир неча марта мулоқотда бўлган.

Ҳар бир халқ ўз тарихининг салмоқли даврлари ва долзарб фаслларида буюк олимлар ва ёзувчилар, арбоблар ва санъаткорларни етиштирган: Фирдавсий ва Навоий, Гомер ва Данте, Саъдий ва Навоий, Шекспир ва Бальзак, Гюго ва Тагор, Пушкин ва Толстой. Толстой яна ўнлаб ва юзлаб ёзувчилар одамзод бадиий ижодиётининг мангу порлаб тургувчи нури чўкқиларидир.

Бир ҳаёт саҳифаси

Кундалиқлардидаги хотира

Қозон университетидаги таҳсил, Севастополдаги ҳарбий жасорат, юқори табақа, зодагонлар даврасидидаги айш-ишрат, маишатбозлиқлару турли тоифали аёллар, қартабозлиқ... Буларнинг бари Лев Толстой ҳаётида бўлиб ўтган босқичлар эди. Фоний дунё неъматларига берилиш баробарида у келажаги ҳақида ҳам жиддий бош котиради. Унинг учун тақдир йўлини белгилаб олиш муҳим эди. Бу борадаги барча ўй-фикрлари, кечинмаларини фақат шахсий кундалиги билан ўртоқлашарди.

Ниҳоят 34 ёшли граф Толстой уйланишга аҳд қилади. Унинг танлагани, кўнгил кўйгани – Доктор Андрей Евстафиевичнинг тўнғич қизи Софья Берс бўлди ва 1862 йил уларнинг никоҳ маросими бўлиб ўтди.

Лев Толстой Софьянинг кўлини сўрайди ва “Агар менга бир ой муқаддам инсон севгидан азоблангани ҳолда роҳатланиши ҳам мумкин, деганларида кулгидан ўзимни тия олмаган бўлардим. Ростингизни айтинг, менинг рафиқам бўлишга розимисиз? Лекин ризолигингиз чин кўнгилдан бўлгандагина “ҳа” денг, агар қалбингизда шубҳа-гумонлар уйғонса рад этганингиз маъкул. Худо ҳақи, ўзингиздан яхшилаб сўранг”, – дейди. Толстойнинг ушбу сўзларига Софья розилик беради. Лев Николаевич қаллиғидан ҳеч қандай сир-асрорим бўлмаслиги лозим деб, тўйдан аввал Соняга ўз кундалигини кўрсатади. Кундаликда эса барчаси – картадаги қарзлар, кайф-сафолик, бирга яшашга аҳд қилган лўли қиз, дўстлари билан айш қилган қизлар, Ясная Полянада ёз оқшомларини бирга ўтказган деҳқон қизи Аксинья ва, ниҳоят, уч йил бурун уйланишга бир баҳя қолган Валерия Арсеньева ҳақида баён қилинганди.

Тўйдан сўнг улар Ясная Полянага жўнаб кетадилар. “Уни қаттиқ севаман – бу туйғуга тобеман, фақат шугина туйғу вужудимни қамраб олган ...- шодланади бахтидан масрур Софья. – Мен уни тобора теранроқ билиб бормоқдаман ва туйғуларим ҳам шу қадар юксалмоқда. Ҳар тонг уни ҳали бу қадар кучли севмаганимни англайман. Менинг учун фақат у мавжуд”, – Софья Толстая кундаликларида шундай ёзувлар битилган.

Ўз навбатида Толстой кундалигига кўйидаги сўзларни битади: “Бу фавқуллодда бахт, унинг ҳаёт билан якун топиши асло мумкин эмас... Унга бўлган муҳаббатим тобора ортиб бормоқда. Унинг лобарлигию малоҳати олдида лолман”.

Ясная Полянада граф ўзининг машҳур “Уруш ва тинчлик” романини ёзишга киришади. Софья эса ҳар куни оқшомда эри томонидан битилган саҳифаларни қайта-қайта қоғоз саҳифаларига муҳрлайди. Замондошлардан бирининг қайд этишича: “Ҳар бир ўзгартиришлар, тўғрилашлари

тўлдиришлардан сўнг у ҳар бир саҳифани етти марта марталаб кўчириб ёзади”.

Фарзандлар дунёга келгач, оилада ўзгача бир ҳаёт саҳифаси бошланади. Софья Андреевна болалар тарбияси, кийим-бошларни бутлаш-у, эрининг асарларини чоп эттиришгача барчасига улгуради, у хўжаликни аъло даражада бошқарар, ажойиб бека эди.

Толстой эса осойишта оила ҳаётига мослашмаган эди. Кунларнинг бирида хотинининг “Нима учун уйлангансиз?” деган саволига қизиққонлик билан: “Аҳмоқлигим учун... инсонлар бир-бирларига ҳалақит бериш учунгина никоҳ ришталари билан боғланадилар. Икки бегона одам бирлашиб, охиригача бегона бўлиб қолади. Эр ва хотин ёндош чизиқлар дейишади, бекор гап, улар кесишувчи чизиқлардир, кесишган – заҳоти турли тарафга кетадилар”, – дея жавоб беради.

1881 йилда Москвага кўчиб келганларида Толстойлар оиласида 7 фарзанд бор эди. Лев Николаевич эса Россиянинг энг машҳур ёзувчисига айланиб улгурганди. Толстой тобора кундалик ҳаёт ташвишларидан узоқлашиб борарди. У христиан дини ақидаларини тан олмай, инсониятни камолотга етказувчи янги дин яратилиши ҳақида орзу қилади. Унинг кундалигидан “... Ўз бахтингни моддий шартлар – хотин, фарзанд, соғлиқ, бойлик билан боғлаш беъманидир”, – деган сўзларни ўқиш мумкин.

1884 йилнинг май ойида буюк ёзувчи оилада ўзини ёлғиз ҳис қилаётганини кундалигига ёзади. 17 май куни хотини билан оғир суҳбатдан сўнг унинг ҳомиладорлигига қарамай, у Тулага қараб йўл олади. Аммо ярим йўлдан ортига қайтади. Эртаси куни Толстойлар оиласида кенжа қиз Александра дунёга келади.

Бу Толстойнинг уйи биринчи бор тарк этиши эди. Ўшанда у қайтиб келади, бироқ аввалги муносабатлар, барибир тикланмайди. Софья Андреевнанинг кундаликларида шундай сўзлар битилган: “У мени секин-аста ўлдирмоқда, ўз ҳаётидан сиқиб чиқармоқда. Бу нақадар азоб. Баъзан бундай эътиборсизлик, бепарволикдан умидсизликка тушаман. Ўз

жонимга қасд қилиш ёхуд қаергадир қочиб кетиш, кимгадир кўнгил бериш истаги туғилади”.

Аёл киши тимсолида Лев Николаевич аввало она сиймосини кўради. Унинг фикрича, фарзандсиз оила – гуноҳи аъзим. 1888 йилда граф 60, унинг рафикаси 44 ёшда бўлганида оилада сўнгги фарзанд дунёга келади. У ўғлининг туғилишидан хурсанд бўлишига қарамай, Толстой хотини олдида узоқ қолмайди, икки ҳафтадан сўнг Москвадан Ясная Полянага қараб йўл олади.

1910 йилнинг октябрида Лев Толстойнинг хушидан кетиш ҳоллари бот-бот такрорланиб, касаллик тез-тез хуруж қиладиган бўлди. Ой сўнгида граф бор кучини жамлаб, яширинча Ясная Полянадан жўнаб кетади. Софья Андреевна эса, унинг ортидан қуйидаги мазмундаги мактубни олади: “Севмаганим учун сени тарк этаётганим йўқ. Сени севаман ва ниҳоятда афсусдаман, бироқ ўзга чора кўрмайман. Гап менинг хоҳиш ёхуд талабларимни қондиришда эмас, сенинг оқилона ҳаётий қарашларингдадир. Токи орамизда ўзаро муштараклик йўқ экан сен билан ҳаёт мен учун маънисиздир. Алвидо, азизам, Соня, Худо сенга ёр бўлсин!”

Йўлда кетаётиб, Толстой қаттиқ бетоб бўлади ва Астапово станция бекатида бир неча кун қолиб кетади. Бундан хабар топган Софья Андреевна графнинг ёнига ошиқади, лекин уни эрининг ёнига қўйишмайди. Жон талавасаси бошланган сўнгги тундагина Лев Николаевич ётган хонага киришга изн олади. Буюк ёзувчининг жони узилаётган эди. Софья Андреевна узоқдан эрига термулиб турди ва яқинлашиб, унинг пешонасидан ўпди. Сўнг тиз чўккан ҳолда “Мени кечир” дея шивирлади.

“Граф Толстойнинг хотинига мактублари” номли китоби дебочасида Софья Толстая шундай кириш сўзи ёзган эди: “Тўр ёшлик даврлариданоқ нозик елкаларида буюк инсоннинг ва даҳонинг рафикаси бўлишдек юксак номни кўтаришга эҳтимол ҳамиша ҳам муносиб бўлмагандирман...”

Инсон руҳининг улуғворлиги

Баъзан, Шарқда Толстойнинг асосан фалсафий қарашлари ва биринчи галда, ахлоқий – этик таълимотининг заиф томонлари кўпроқ нуфуз топган, деб ҳисоблайдилар. Дарҳақиқат, буюк мутафаккир бошқа динлардаги сингари, исломдан ҳам “эзгулик ғояларини” кидирган, унга ахлоқ ҳақидаги энг қадимий таълимотлардан бири деб қараган. У Осиё халқларининг маънавий меросига астойдил қизиққан. Ўзи рад қилган ўша замон буржуа маданияти фонида, эзгулик ва адолат ҳақидаги минг йиллик тушунчаларни мужассамлаштирган кўп асрлик Шарқ донишмандлиги адибни бир умр ўзига қаттиқ жалб этиб келган эди. Толстой унда ўзини доим қийнаб келган ахлоқий муаммоларга жавоб топмоқчи бўларди. Бу интилишлар унинг ижодида шундай бадиий куч билан ифодаландики, кўп китобхонлар ҳам ўша умиддан қутула олмай, шу ҳақда ўйлашга ва қийналишга мажбур бўлганлар.

Маълумки, Лев Николаевич Толстой талабалик вақтидаёқ шарқ тилларини ўрганган, кейин Шарқ халқлари оғзаки адабиёти, эпослари билан қизиққан, шоир Фетга “ҳофизхонлик” да кўмаклашган, қадимий Шарқ классикасининг “Тулистон”, “Қобуснома” каби асарларини мутолаа қилган. Гуманистик дунёқарашидаги кўп жиҳатларнинг Шарқдаги баъзи фалсафий-ахлоқий таълимотларга мос тушиши санъаткорда халқлар озодлик курашига чуқур хайрихоҳлик туғдирди. Луначарский айтганидек, Европадан кейин Осиё ҳам унга қўл чўзди.

Аммо, маълумки, унинг маънавий чақириқлари “умумий меҳр - шафқат” тарғиботи билан боғлиқ эди. Ясная Полянага оқиб бораётган минглаб мактублар орасида андигонлик бир адвокатнинг ҳам хати (1909 йил) бор эди. У Лев Толстойдан бир нарсани тушунтиришни сўрайди: эндиликда, катта-катта кучлар бир-бири билан тўкнашаётган шароитда қаршилик кўрсатмаслик ва умумий меҳр-шафқат таълимоти нима бўлади, ўз кучини сақлайдими?

Буюк адиб узоқдаги ўзбек китобхонига жавоб ёзади. Кўпчиликка унча маълум бўлмаган, ўша вақт чекка ўлканинг бир газетасида босилиб чиққан бу ҳужжатда Толстойнинг ўз таълимотини таъкидлашида илгариги қатъият сезилмайди. Унинг тушунтиришича, энди қаршилик кўрсатмаслик ва умумий меҳр-шафқат ғояси гўзал бир орзу, идеал сифатида зарур, чунки одамлар камолотга интилишдан ҳеч қачон тўхтамаяжаклар.

Махатма Ганди Толстойнинг юз йиллиги муносабати билан сўзлаган нутқида шундай деган эди: “У замонанинг энг ҳаққоний кишиси эди. Унинг тилак мақсади ҳаётда ҳақиқат излашдан, ҳақиқат сари бетиним талпиниш, уни ҳаётда, амалда кўришга интилишдан иборат эди... Албатта, унга ўз идеалларини ҳаётда кўриш насиб қилмади, аслида бу ҳеч кимга ҳам насиб қилмайди-ку. Идеал шундай нарсаки, биз унга яқинлашганимиз сари, у биздан узоқлашаверади. Шунинг учун Толстойнинг ўз фикрича, у юксак идеалларига эриша олмаган экан, бу унинг буюклигига сира ҳам путур етказмайди”.

Ҳа, орзусиз, идеалсиз биз ҳам ўз ҳаётимизни, олдинга қараб силжишимизни тасаввур этолмаймиз. Бу жиҳатдан ҳам Толстой бизга том маъноси билан замондош.

Замонанинг барча муҳим муаммолари Толстой ижодида мудом акс-садо топади. Уруш ва тинчлик масалалари буюк санъаткор ҳаёлларини бир умр банд этган. У тинчлик ғоясига астойдил ишонар, уруш йўлини фақат халқлар иродаси тўса олишига амин эди. Эронлик бир шахзода унга ўзининг тинчлик ҳақидаги достонини юборгани маълум. Муаллиф унда тинчликни зўрлик позициясидан туриб ҳимоя қилиш фикрини билдиради: “Тинчлик истасанг, урушга тайёр бўл!” – дейди шоир шахзода.

Урушни халқларнинг ўзи, фақат халқларнинг ўзи йўқота олади, деб жавоб беради Толстой.

Ўзбек прозаси Толстойнинг мураккаб ва ҳаққоний, аслан соғлом ва буюк мероси билан учрашиш ёшлигидаёқ муяссар бўлди ва бу уни, ўйлашимча, санъатдаги кўпгина носоғлом “ўйин”лардан асраб қолди. Ўрта Осиё адабиётларида реализмнинг етилишида Толстой асосий омиллардан бири эди.

Мен Толстойнинг айрим ёзувчилар ижодига бевосита таъсири ҳақида гапираётганим йўқ. Бунинг учун Толстой ўта буюк ва бутун жаҳон адабиётида ноёбдир. Унинг асарларидаги ички ритмнинг салмоқли нафасини, нафис гармонияни укмасанг, ҳаётнинг бениҳоя мураккабликларини ҳис қилишга имкон берувчи тасаввур кучини чамалай олмасанг, Анна ва Катюшалар шахсий фожиасининг чуқур ижтимоий руҳини пайқаб олмасанг, санъаткорнинг эпик салоҳияти, қудратли ижодий шахси худди бирдан юз берган табиий кучлардек, дафъатан чўчишиб қўйиши ҳам мумкин...

Адабиёт ҳаётини бўлиши керак, аммо у – ҳаётнинг ўзи эмас. Чегараси қаерда? Ҳозир бу савол жўн туюлиши мумкин, лекин бир вақт у жавоб талаб қилар эди. Қадим Шарқ адабиётлари таъсирида, кўпинча қаҳрамонлари ё фақат ёвузлик, ё фақат эзгулик рамзи бўлган дидактик руҳдаги асарлар таъсирида ўсган бизнинг илк прозаикларимизга Толстой ўзининг бутун ижоди билан жавоб берар эди. Ахлоқни ёд олиб бўлмайди, уни ақлидрок воситасидагина сингдириш мумкин эмас, унга тажриба орқали, ҳаётнинг ўзи орқали эришилади. Толстойдаги табиийлик ва самимийлик ҳайратда қоларли даражада, худди ҳаётнинг ўзи сўзлаяпти дейсиз. Унда бевосита ва ҳаққоний ҳаёт – фикрнинг яшаш шаклидир. Бу – сюжет доирасидаги ҳаёт эмас, “ҳаёт воқеаси” эмас, балки ҳаётнинг мукамал бутунлиги, унинг табиийлиги, бутун бойлиги, буюклиги. Буюк фикр манбаи – оддий ҳаётгина эмас, санъаткорнинг азобли изланишларида кашф этилган ҳаёт. Одамлар ўз ҳаётлари билан фикр қиладилар, Чингиз Айтматов айтганидек, “боғбон ўз боғи билан фикр қилади”. Бундай ҳиссий тафаккур умуман юксак санъатгагина хосдир.

Ўзбек прозасининг устаси Абдулла Қаҳҳор Толстой ҳақидаги суҳбатларида ижоднинг ажойиб хусусиятларидан бири – ҳамдардлик ҳақида кўп гапирарди. Чиндан ҳам, агар бегона эҳтиросларни ўртоқлашиш, қаҳрамон билан ҳамдардлик каби мураккаб иш бўлмаса, персонажнинг қилган ишларини тасвир этиш анча осон бўлар эди.

– Образга кириш – артистларга керак, – дер эди Абдулла Қаҳҳор, – лекин у аслида аввало ёзувчиларга хос фазилатдир. Қаҳҳормон ўз тақдирига эга бўлиб, ўз ҳаёти билан яшай бошлаганидагина ундан қутулсан.

Абдулла ака бирор персонажнинг “Қаҳҳор бўлгиси келмаётгани”ни, муаллиф юрагининг бир парчасига айлангунча кўп қаршилиқ кўрсатганини ҳикоя қилар эди. “Ўзимники” бўлиб қолгандан кейин эса, ўз ишини ўзи билиб қилади; унга энди ундоқ қил, мундоқ қил, деб буюриб бўлмайди; муаллиф изни билан иш қиладиган қаҳҳормон китобхонга ҳам ёкмайди-да, дер эди.

Абдулла Қаҳҳор бу хусусиятни “Уруш ва тинчлик”даги юзлаб қаҳҳорлар образига кириб, ҳамдард бўлган Толстойнинг санъаткорлик даҳоси билан боғлар эди. Бизнинг “Толстой атрофидаги” бу суҳбатларимиз кўпинча узоқ баҳсга айланарди. Қаҳҳор бу масалаларга жуда ҳам амалий ёндашар, шунданми, гоҳо мунозара қилишга тўғри келарди. Аммо умумий хулосаларимиз эса қолар эди: эпик асарда давр мураккабликларининг ўзи ҳам характерларни шакллантиради, тоблайди. Муаллиф тарих чигилликларидан қаҳҳормон ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳодисаларни синчиклаб танларкан, шу жараёнда воқеалар бўронини сал босиб, бутун эътиборни шахснинг таҳлилига кўчиради. Тарихий шахсларга, тарихий воқеаларга баҳо бериш ва умуман ёзувчининг дунёқараши асарга илова қилинмайди, балки образлар устида ишлаш жараёнининг ўзида юзага чиқади. Шунинг учун Толстой романларида асосий нарсаларнинг ҳаммаси режалардан эмас, санъаткорнинг илҳомбахш таҳлилидан келиб чиқади, бу эса схематизмни уруғиданоқ қуритиб ташлайди.

Абдулла Қаҳҳор Толстойни махсус, “толстойча” ёзишга уриниш учун эмас, балки катта бир инсоний қизиқиш билан, санъаткорона яхши бир ҳасад билан ўрганар эди. Шунинг учун, у кўп ишларини бир неча йилга йиғиштириб қўйиб, “Уруш ва тинчлик”ни таржима қилишдек бениҳоя мураккаб ишга қўл урганида ҳеч қайсимиз ажабланмадик.

Абдулла Қаҳҳор таржималари биз учун Толстойни иккинчи марта кашф этишдек бўлди. Улар миллий тилимиз имкониятларини гўё бирдан кенгайтириб юборди, Толстой қаҳрамонларининг мураккаб дунёси бутун нафислиги ва улуғворлиги билан биринчи марта она тилимизда намоён бўлди. Ўзбек тилида Толстойнинг услуб хусусиятларинигина эмас, буюк мўъжизакорнинг чуқур зиддиятли, меҳрибон ва мардона руҳий дунёсини ҳам ифодалаш мумкин экан. Албатта, Толстойнинг машҳур “даврий жумла”лари таржимонга осон кўчмаган, лекин Қаҳҳор уларга ҳам зўрликсиз, чуқур ҳурмат билан муносабатда бўлиб, эркин ва енгил нафас бағишлаган. Таржимада ҳам оригиналдагидек, маҳорат даъвоси, ҳайратга солишга уриниш йўқ, ҳамма нарса шундай табиийки, ўқиганда тил материални сезмайсиз, фақат тиниқ фикрни, инсон ички дунёсини, катта ижтимоий воқеаларни, мураккаб тақдир ва характерларни кўрасиз.

Толстой – буюк халқнинг қалби ва овози, эзгулик ва мардлик тимсоли. У битмас-туганмас хазина, ҳамма жойда ҳозир нозир виждон ҳакамидир. Бу – доимий ташналик, бир умр изланиш, руҳий безовталиқ. Қадимги юнонларнинг Гомер ҳақида айтган гапини Толстойга ҳам қўллаш мумкин: у шундай саховатли бойликки, қанча олишга қурбинг етса, шунча беради. Толстой асарлари – ўтмиш меросигина эмас, балки келажак мулки ҳам эканлиги исбот қилинган. Дарҳақиқат, бу асарлар ҳамма замонларда инсон руҳининг улуғворлигини, шахснинг камолотга интилишидаги бениҳоя кучни тушунишга ёрдам беради.

Асқад Мухтор

ТОЛСТОЙ ТЎПЛАГАН АФОРИЗМЛАР

Ёхуд ёзувчининг ақл хазинаси ва руҳий сабоғи хусусида

Кўлимда сиёҳранг календарь дафтар. Унда йил йўқ, аммо ойлар бор, лекин кунлар ёзилмаган, саҳифаларига барча кунларга монанд биттадан, жами 365 та ҳикматли сўз битилган. Агар кунлари белгилаб чиқилса, ўша куннинг ҳикмати аён бўлади. Кишига бир йиллик ҳамроҳ

ва дастёр вазифасини ўтовчи ушбу кундалик дафтарни очганимизда “Йилнинг ҳар кунига донолар фикри. Лев Толстой тўплаган” деган ёзувни кўраимиз.

“Лев Толстой тўплаган!”. Наҳотки дейсиз, XIX аср рус ва жаҳон адабиёти ҳамда тафаккурининг улуғ сиймоси ёзувчилик заҳматлариданда ортиб, афоризмлар йиғиш билан ҳам шуғулланган бўлса?! Шу аснода дабдурустдан ахир, буни кимсан Лев Толстойнинг ўзлари махсус йиғганга ўхшайдилар-ку, бежизга эмасдир бу, деган фикр келади ва... унга ростакамига қизиқиб қоласиз.

Адибнинг китобларини варақлай бошлаймиз. Толстойнинг ўзбекчага ўгирилган китобларида биз излаган нарса учрамади. Асл матндаги кўптомлик асарлар тўпламлари, шунингдек, 22 томлиги (1978 йилдан ёзувчининг 150 йиллигига атаб чиқарила бошлаган)да ҳам йўқ эди. 1928-1958 йилларда чоп этилган 90 томлик асарлар тўпламига эса қўлимиз етган эмас. Ниҳоят Толстой ҳаётининг сўнгги йилида унга котиблик қилган Москва Давлат университети битирувчи талабаси Валентин Булгаковнинг кундалиги қўлимизга тушиб қолгани боис излаган нарсамизни топдик. Кундалик 1960 йили Москвада китоб бўлиб чиққан, Ясная Полянада 1910 йили бўлган воқеаларни ҳолисона баён қилади.

Маълум бўладики, 82 ёшга кирганида ҳам улуғ ёзувчини рухий-ҳаётий куч тарқ этмаган ва у тинимсиз ижодий фаолият юритган. Валентин Булгаковдан Лев Толстойнинг ўша йиллардаги энг севимли машғулоти – ҳаётга қарашларини ифодаловчи фикрлар тўпламини яратиш бўлганлигини билиб оламиз. Бу ишда Толстойга яқиндан ёрдам берган Булгаковга мансуб кундаликнинг 38 жойида бизни қизиқтирган мавзу тилга олинади ва улардан бу борада саволларга жавоб топишимиз мумкин бўлади.

Хуллас, Л. Н. Толстойнинг “Ҳар бир кунга. Ҳаёт ҳақида чуқур маъноли иборалар орқали ифодаланган таълимот” деб номланган диний-фалсафий асари мавжуд бўлиб, у муаллифнинг ижод намуналаридан олинган ёки ушбу нашр учун махсус ёзилган ҳикматлари, шунингдек, тур-ли донишмандларнинг ҳикматли сўзларидан таркиб топган. “Ҳар бир кунга” тўплами устида ёзувчи 1906 йилдан 1910 йилгача ишлайди. 1909 йилда тўплам нашриётда

алоҳида китобчалар ҳолида чиқа бошлайди. Газеталар тўпламдан кўчирмалар беришади. 1910 йилда Л. Толстой тўпламни бутунлай қайта кўриб чиқади, кўшимча ва тузатишлар киритади, янги материаллар танлайди, китобчалар корректураси устида мунтазам ишлайди.

Келинг, Валентин Булгаковнинг кундалигидаги баъзи мисоллар билан танишайлик: «1910 йил 28 январь. У (Толстой) “Ҳар бир кунга” тўплами январь ойи сонини халққа тушунарлироқ қилиб қайта ишланган ўн кунлиги корректурасига киритган тузатишларимни қараб чиқди, “баъзиларини қабул қилди, айримларига кўшилмади”, ...гап орасида эса фикр юритишда “ўз устида ишлашга” катта аҳамият беришини айтди, яъни инсон ўз фикрларини кузатиб бориши керак, токи ичиқоралик қилиш, бошқаларга ёмонлик тилаш ва умуман, ярамас ўй-фикрлар номаъқул эканлигини ўзи англаб етсин ва ўша заҳоти уларни тўхтатиш ҳамда жиловлашга уринсин.

– Фаолиятнинг ҳақиқий йўналишида бу зўр ёрдам беради, – деди Лев Николаевич. – Мен буни амалий қоида, ақл учун гигиеник кўрсатма тариқасида гапиряпман, чунки буни жуда ҳам муҳим деб ҳисоблайман”.

“1910 йил 15 февраль. Лев Николаевич “Ҳар бир кунга» тўплами ва ундаги фикрлардан танланиб яна алоҳида китобчалар чиқарилиши борасида гапирар экан, бу иш унга катта қувонч бағишлашини, қизиқарли эканлигини, фойдали ва зарурлигига энди шубҳаланмаётганлигини айтди».

“1910 йил 21 май. “Нималар ёзмоқдасиз, азизим Лев Николаевич!”, – деб сўради М. А. Шмидт.

– Тасаввур қилинг, ҳеч нарса, Мария Александровна! Ва жуда мамнунман, – жавоб берди Лев Николаевич. – Менда ноширлар учун “Ҳар бир кунга” ва “Ҳаёт ҳақида ўйлар” бор. Бу мен қилишим шарт бўлган ишдир, бу ишим одамларга фойдали бўлар деган умид билан ўзимни овутаман”.

“1910 йил 3 август. Паскални французча ўқиб, унинг яна бир фикри таржимасини менга ёздирар экан, деди: “Паскаль ўлганига 200 йилдан ошди, аммо у билан руҳан бир бўлиб яшамокдаман, сирлилиқ бор-а? Менга яқин бўлган мана бу фикри хаёлимни остин-

устун килди, худди ўзимники-я! Паскаль билан рухан бирлашиб кетаётганимни сезмоқдаман. Паскаль ҳаёт, у ўлмаган, мана у. Худди Исо алайҳиссаломдек... Биласанми, буни баъзан яққол тасаввур қилиб турасан. Шу фикри орқали у фақат мен билан эмас, уни ўқийдиган минглаб кишилар билан боғланади. Бу – энг чуқур, энг тилсимли ва меҳр кўзғатувчи нарса...”

Юқоридаги кўчирмалар Толстой тафаккур оламидан сизу бизга қарата очилган кичкинагина ёруғ даричадек эди, назаримда. Узоқ ва сермазмун ҳаёти чуқур ғоявий изланиш ва руҳий изтироб пўртаналарига тўла бўлган, черков ақидаларини рад этиб, фақат ягона Худони тан олган, инқилобий ҳаракатларни ёқламасдан ёвузликка куч билан қаршилик кўрсатмасликни олға сурган, ўзидаги икки қутб: “қурашчи исёнкор руҳи” билан сушт муроса, бўйсунуш таълимотини бир-бирига келиштиролмаган улуғ Толстой ҳар бир инсон ва барча одамлар ҳаёти-ни қандай қилиб бахтли қилиш йўлларини кўрсатиб бериш ҳақида орзу қилади.

Унинг фикрича, бунинг учун фақат бир нарса зарур: у ҳам бўлса шуки, одамлар бир-бирларининг олдида айбдор бўлмасинлар, ҳаётда худбин, адолатсиз тартибни ёқламасинлар, ўзини эмас, балки бошқаларни, барчани севсинлар, ҳис-туйғу, майлларини ақл билан маҳв этсинлар. 40 ёшида “Уруш ва тинчлик”, 50 ёшида “Анна Каренина”, 70 ёшида “Тирилиш” сингари машхур романларини ёзиб тугаллаган Лев Толстой 80 ёшининг нари-берисида ўзининг, ўзигача ўтган ва замондош улуғларнинг фикрларини инсон ҳаётининг ҳар бир куни учун мўлжаллаган ҳолда жамлаб, “Ҳар бир кунга” — “На каждый день” (90 томлик тўла асарлар тўпламининг 44-томига киритилган) номи билан алоҳида китобчалар ҳолида нашр эттира бошлаган. Уларда ўтадиган ҳар бир кун учун ўнлаб ҳикматлар бор.

Ана энди бизга маълум бўладики, улуғ ёзувчи мақсади шунчаки афоризмлар йиғиш эмас, балки унинг ўз сўзи билан айтганда “халқни ахлоқий қайта тирилтириш” ва шу орқали “инсон табиатида инқилоб” яшаш эди.

Абдулла ХОЛМИРЗАЕВ

“Ҳар бир кунга” асарига кирган иборалардан намуналар

Ўқиш ва ёзишни билмайдиган одам уни бошқаларга ўргата олмайди: худди шунингдек, нима қилишини ўзи билмайдиган одам қандай қилиб бошқаларга йўл кўрсата олсин.

Марк АВРЕЛИЙ

Тийилган тил яхши тилдир, обдон ўйланган сўз яхши сўздир. Айтар сўзинг сукутдан афзал бўлса гапир.

Араб ҳикмати

Ўзи билан софлик ва баркамоллик хислатларини олиб келувчи болалар доимий туғилиб турмаганида эди, бу дунё ниҳоятда ваҳшатли бўларди.

Жон РЕСКИН

Ишингиз натижасига бошқалар баҳо беради: сиз эса қалбингиз фақат соф ва ҳаққоний бўлишига интилинг.

Жон РЕСКИН

Икки нарса абадий янгиланиб борувчи ва доимий хайрат ҳамда хайрихоҳлик билан қалбни тўлдириб борар экан, улар фикримни шунчалар мунтазам ва кўпроқ ўзига жалб этаверади: тепамдаги юлдузли осмон ва ичимдаги ахлоқ қонунияти.

КАНТ

Ҳар қандай меҳнат муҳимдир, чунки у инсоннинг фазилатларини оширади. Ўғилни бирорта хунарга ўргатмаслик уни ўғрилиққа тайёрлаш билан баравардир.

ТАЛМУД

Халқларни денгизлар эмас, нодонлик, тиллар ҳар хиллиги эмас, балки душманлик муносабатлари ажратади.

Жон РЕСКИН

Ёлғон кучайган замонлардан бери ҳуқуқ бузилган, хулқ-атвор тубанлашган.

ТАЛМУД

Хузур-халоватга кўникма – у ўтади, ким эга бўлса – йўқотишни, ким бахтиёр бўлса – изтироб чекишни ўргансин.

ШИЛЛЕР

Донишманд айтган сўзи учун маърифатли деб тан олинади ва ногаҳоний сўзлаган бир сўзи учун ҳеч нарсани билмайдиганга чиқарилади. Шунинг учун у ўз сўзларида эҳтиёткор бўлиши лозим.

Хитой ҳикмати

Кимки мен Худони севаман, деб айтса-ю, лекин у ўз биродарини ёмон кўрса, у ёлғончидир: зеро, ўзига кўриниб турган акаси ё укасини яхши кўрмаган одам қандай қилиб кўринмаётган Худони сева олади?

Иоанн мактуби IV, 20.

Тушунтирмақ вақтни беҳуда сарфламоқдир. Фаросатли одам салгина ишорадан ту-шунади, ҳар нарсани нотўғри англайдиган одам эса бутун бир нутқдан ҳам ҳеч нарсани тушунмайди.

Жон ПЕСКИН

Инсон осмон юборган кулфатлардан кутулиши мумкин, аммо ўзи сабабчи бўладиган мусибатлардан халос бўлолмайди.

Шарк мақоли

Шундай яшагинки, гўёки ҳозир ҳаёт билан видолашмоқчисан, сенга қолдирилган вақт эса бамисли кутилмаган ҳадя бўлсин.

Марк АВРЕЛИЙ

Бир марта гуноҳ қилган одам, айб ишни қилса ҳам бўлаверади, деган фикрда бўлади.

ТАЛМУД

Яхши иш доимо тиришқоқлик билан амалга оширилади, қачонки тиришқоқлик кўп маротаба қайтарилса, бу одатга айланади.

Лев ТОЛСТОЙ

Инсон учун ўзини ҳақиқат фош қилишидан кўржиб, ундан қоча бошлаганидан ортиқ мусибат йўқдир.

Влас ПАСКАЛЬ

Доимо эсда тутингки, кимўзарликдан гўзаллик, такаббурликдан олижаноблик чиқмайди.

Жон РЕСКИН

Қандай қилса душмандан ўч олиш мумкин? Иложи борича унга кўпроқ яхшилик қилиш билан.

ЭПИКТЕТ

Қувноқликни сақлаб қолишнинг асосий сири беҳуда нарсаларга безовта бўлавермаслик ҳамда турмушдаги айрим жузъий хурсандчиликларни ҳам баҳолай билишда.

САЙЛЬС

Доно ҳамма нарсани фақат ўзидан талаб қилса, майда, ҳақир одам бошқалардан талаб қилади.

Хитой ҳикмати

Таажжуб! Инсон бошқалардан келган ва ўзи тузата олмайдиган ёмонликдан ғазабланади, аммо ўз измида бўлган ёмонлигини енга олмайди.

Жон РЕСКИН

Инсонни фақат унга тенг ёки ундан юқори бўлганлар баҳолай олиши мумкин. Лекин барибир инсонга хослик ва аслик фақат Яратганга аён.

Агар сен одамларнинг ўй-фикр ва интилишлари қайси чашмалардан сув ичганини билганингда эди, унда сен одамларнинг қўллаб-қувватлаши ва мақтовларига кўярда-қўймай эришишга ҳаракат қилмаган бўлардинг.

Марк АВРЕЛИЙ

Л.Н.Толстой ижоди хақидаги фикрлар

“Толстой бобонинг асарлари қазига ўхшайди, чайнаган саринг мазаси чиқаверади”.

Абдулла Қаҳҳор

“Л.Н.Толстой юксак бир гений, мислсиз бир талант. Унинг чуқур фалсафали асарларининг ҳар бири бадиий бир ҳайкалдир. Бу улуғ адибнинг кундалик дафтарларига қадар мароқ билан кўп дафъа ўқиганман. Ҳар ўқиганимда Л.Толстой даҳосининг янги бир қиррасини, янги бир ранги, бир зиёсини кўряпман”.

Ойбек

“Пушкин, Лермонтов, Л.Толстой, Чехов ва бошқаларнинг асарлари ўзбек прозаси учун намуна мактабини ўтади”.

Ҳамид Олимжон

“Мен ўйлайманки, Толстой ҳеч қачон қаримайди. Тили эскиради-ю, аммо ўзи ёшлигича қолаверади”.

А.П.Чехов

“Лев Толстой – ҳар бир ёзувчи учун академиядир”.

А.Н.Толстой

“Унинг асарлари тараша ёки пойраҳанинг ўтига ўхшаб ловуллаб ёниб, бир зумда ўчмайди, балки саксовулнинг чўғига ўхшаб тутаб, суст ёнади, лекин харорати зўр бўлади, анча фурсат ўчмай туради”.

Абдулла Қаҳҳор

“Жаҳон адабиёти тарихида француз ёзувчиси Бальзак, рус ёзувчиси Лев Толстой сингари кўп ёзган адиб йўк. Ўз асарларининг кўплиги жиҳатидан бу икки ижод ва фикр гигантига тенг бўладиган ёзувчи топилмайди. Улар проза азаматларидир”.

Ҳамид Олимжон

“Ҳа, Толстой ҳақиқатан ҳам жуда катта санъаткор. Бундай санъаткорлар асрлар давомида туғилади ва унинг ижодиёти ғоят топ-тоза, ёруғ ва ажойибдир”.

В.Г.Короленко

Буюк ёзувчи Лев Николаевич Толстой таваллудининг 180 йиллиги муносабати билан кутубхоналар, АКМ ва АРМларда ўтказилиши мумкин бўлган тадбирларнинг методик ишланмаси

Оғзаки журнал

Лев Николаевич Толстойнинг 180 йиллиги муносабати билан кутубхоналар, АКМ ва АРМларда оғзаки журнал ўтказиш мумкин.

Кутубхоналарда ўтказиладиган барча оммавий тадбирларни ўтказиш жараёнида бўлгани каби, оғзаки журнал ташкилотчилари ташкил қилган тадбир ўтказиладиган жойни жиҳозлайди, мутахассисларни таклиф қилади, журнал саҳифаларида сўзга чиқувчи мутахассис ва китобхонларни таклиф этади, кутубхоналарда эълон ёзилади ва таклифномалар керакли ташкилотларга юборилади.

Журнал саҳифалари 3–5 тагача бўлиши мумкин. Оғзаки журнални бошқарувчи, яъни муҳаррир очади. Одатда муҳаррир ҳар бир саҳифани очишдан аввал қисқача кириш сўзи сўзлайди, сўнг навбатни сўзга чиқувчига беради. Журналнинг саҳифалари суҳбат, ахборот, олимлар, мутахассислар, машҳур кишиларнинг чиқишлари, мусиқа асарлари, ёзувчи бадиий асарларидан парчалар – сахна кўриниши тариқасида намойиш этилиши мумкин.

Оғзаки журнални муҳаррир кириш сўзи билан очади.

1-саҳифа: “Л.Н.Толстой оиласи”.

2-саҳифа: “Л.Н.Толстойнинг илк ижоди ва уруш мавзуидаги асарлари”.

3-саҳифа: “Л.Н.Толстой – драматург”.

4-саҳифа: “Л.Н.Толстой – халқ муаллими”.

5-саҳифа: “Л.Н.Толстой асарларининг ўзбекча таржималари”.

1-саҳифа

“Л.Н.Толстой оиласи”

Ушбу саҳифада Л.Н.Толстойнинг оиласи ҳақидаги маълумотлар ёритилади.

2-саҳифа

“Л.Н.Толстойнинг илк ижоди ва уруш мавзусидаги асарлари”

Саҳифада Толстойнинг илк ижод намуналари ва уруш мавзусига бағишланган асарлари, “Севастополь ҳикоялари”, “Уруш ва тинчлик” романи ва бошқалар ҳақида маълумотлар берилади. Бўлимда “Уруш ва тинчлик” романидан парча ўқилади.

3-саҳифа

“Л.Н.Толстой – драматург”

Бу саҳифада ёзувчининг драматургия соҳасида қилган ишлари – “Зулмат ҳукмронлиги”, “Маърифат мевалари”, “Тирик мурда” каби асарлари ҳақида сўз боради.

4-саҳифа

“Л.Н.Толстой – халқ муаллими”

Саҳифада Толстойнинг яшаб турган тузумининг жирканч иллатларини фош этиш ва халқ ҳаёти билан яқинлашиши, Ясная Полянада деҳқон болалари учун очган мактаби, “Ясная Поляна” номли педагогик журнал нашр қилгани ҳамда “Алифбе”, “Янги алифбе” каби дарсликлар ёзгани ҳақида маълумотлар берилади.

5-саҳифа

“Л.Н.Толстой асарларининг ўзбекча таржималари”

Охири саҳифада эса Толстой асарларининг ўзбек тилига биринчи таржимаси, қачон ва ким томонидан қилингани, умуман алоҳида буюк ёзувчи асарлари таржимаси билан шуғулланган адиблар меҳнати, Толстой асарларининг ўзбек китобхонларига етиб келиши ҳақидаги маълумотлар берилади.

**Лев Николаевич Толстой ҳаёти ва ижодига бағишланган
“Буюк сўз устаси” номли китоб кўргазмасини ташкил
этишга тавсиялар**

Кўргазманинг мақсади – ёзувчининг ҳаёт йўлини ёритиб бериш, китобхонни унинг асарлари, у ҳақидаги нашрлар билан таништиришдир. Бунда биографик очерклар, хотиралар, асарлар тўпламлари, ёзувчи ижоди тўғрисидаги танқидий асарлар қўйилади. Хужжатлар, фоторасмлар, портретлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Кўргазмадаги адабиётларни жойлаштиришда уларнинг мантикий хусусияти ҳисобга олинади. Адабиётлар мавзунини ёритиб бера олиш даражасида жойлаштирилиши керак. Китобхон диққатини тезда жалб этадиган элемент кўргазманинг сарлавҳасидир. Сарлавҳа содда, қисқа, китобхон қабул қилиши учун осон бўлиши керак.

Кўргазма мавзусига мос танланган кўчирма, қисқа матн ва турли иллюстрациялар кўргазманинг таъсирчанлигини оширади. Кўргазма номига ва алоҳида ҳар бир бўлим учун кўчирма танланади.

Китоб кўргазмаси 3–4 бўлимдан иборат бўлиши мумкин.

1. “Улуғ рус ёзувчиси – Л.Н.Толстой”

Бу бўлимга Л.Н.Толстой ҳаёти ва ижоди акс этган адабиётларни жойлаштириш мақсадга мувофиқдир.

2. “Уруш ва тинчлик” эпопеяси

Бу бўлимга Л.Н.Толстойнинг энг йирик асари “Уруш ва тинчлик” романи ва романни ёзиш жараёни ҳақида вақтли матбуот саҳифаларида эълон қилинган мақолаларни жойлаштириш ўринлидир.

3. “Л.Н.Толстой – Ўзбекистонда”

Бу бўлимга Л.Н.Толстой асарларини ўзбек тилига таржима қилган адибларимизнинг Толстой ва унинг асарлари ҳақидаги фикрларини акс эттирган манбалар жойлаштирилади.

4. “Л.Н.Толстой – замондошлар хотирасида”

Бўлимга Л.Н.Толстой замондошлари томонидан битилган Толстой ва унинг ижодига бағишланган рус ва хориж

ёзувчиларининг асарлари, вақтли матбуот саҳифаларидаги чиқишлари акс эттирилган материаллар жойлаштирилади.

“Лев Николаевич Толстой – проза азамати” мавзуида давра суҳбатини тайёрлаш бўйича тавсиялар

Кутубхоналар, АКМ ва АРМларда ушбу тадбирни ўтказиш учун тайёргарлик ишлари 1 ой аввал бошланади.

Меҳмонлар, иштирокчиларга таклифномалар юборилади. Давра суҳбати ўтказиладиган жойда мавзуга оид адабиётлар кўргазмаси ташкил қилинади.

Давра суҳбати доирасида қуйидаги мавзулар бўйича чиқиш қилиш мумкин:

- Ясная Полянадаги учрашувлар;
- Толстой – портретларда, иллюстрация ва ҳужжатларда;
- Лев Толстой асарлари Ўзбекистонда;
- Лев Толстойнинг маҳорати;
- Толстой ижоди муаммолари.

Давра суҳбатини бошловчи очади. Сўнг меҳмонлар таништирилади ва сўз навбати уларга берилади. Меҳмоннинг маърузасидан сўнг давра суҳбати қатнашчиларининг саволлари берилиши мумкин. Шу тарзда барча таклиф этилган мутахассислар тингланади.

Давра суҳбатида фойдаланиш мумкин бўлган тахминий саволлар:

- Толстой асарларининг жаҳоншумул аҳамияти нимада?
- Толстой ўзининг илк ижодига “бариннинг эрмаги” деб қарашининг сабаби нимада?
- Толстойнинг Россия ҳаёти “ағдар-тўнтар даври”да “Анна Каренина” асаридаги оила масалаларини ёритишдаги муваффақиятлари нимада?
- Толстой бой маданий меросини ўрганишнинг аҳамияти нимада?
- Толстой руҳиятидаги зиддиятлар ҳақида нималарни биласиз?

**“Л.Н.Толстой адабий меросини биласизми?”
билимдонлар беллашуви**

1. Л.Н.Толстойнинг қайси асари автобиографик асар ҳисобланади?

(“Болалик. Ўсмирлик. Ёшлик” трилогияси. “Йигитлик” асари – тугалланмай қолган)

2. “Болалик. Ўсмирлик. Ёшлик” трилогиясидаги бош қаҳрамон Николенко Иртеневнинг прототиби ким?

(Лев Николаевич Толстой)

3. “Болалик” қиссаси билан адабий фаолиятини бошлаганида Л.Толстой неча ёшда эди?

(24 ёшда)

4. Ёзувчининг илк ижод намуналари қайси журналда чоп этилган?

(Некрасовнинг “Современник” журналида)

5. “Урушнинг асл қиёфасини – вайрона, азоб ва ўлимнинг қонли манзарасини тасвирлаб берди”. Бу сўзлар қайси асар ҳақида айтилган?

(“Севастополь ҳикоялари” ҳақида)

6. “Ортиқча гапиргандан кўра, айтиб битирмаган яхшироқ” – кимнинг сўзлари?

(Л.Н.Толстой)

7. Лев Николаевич Толстой асарлари асосида қандай фильмлар яратилган?

(“Уруш ва тинчлик”, “Анна Каренина”, “Воскресенье”, “Болалик” ва бошқалар)

8. Ёзувчининг “Анна Каренина”, “Уруш ва тинчлик”, “Тирилиш” ва бошқа асарларини ўзбек китобхонларига она тилимизда ҳавола қилган адибларимизни биласизми?

(“Тирилиш” романининг биринчи таржимони Мирзакалон Исмоилий, кейин эса Холида Ахророва таржима қилди, “Анна Каренина” романини Мирзакалон Исмоилий, “Уруш ва тинчлик” романининг биринчи қисмини Абдулла Қаҳҳор, иккинчи қисмини Кибриё Қаҳҳорова билан ҳамкорликда, эпопеянинг охириги қисмларини эса, Кибриё Қаҳҳорова ўзи таржима қилган)

9. Рус классиклари Лев Толстой, Михаил Юрьевич Лермонтов, Александр Сергеевич Пушкиннинг номланиши бир хил бўлган асарлари номини айтинг?

(“Кавказ асири”)

10. Л.Н.Толстойнинг 3 та асосий пьесасини айтинг?

(“Тирик мурда”, “Зулмат ҳокимияти”, “Маърифат мевалари”).

11. Князь Андрей Болконский қайси асарнинг бош қаҳрамони?

(“Уруш ва тинчлик”)

12. Толстойнинг қайси асари 12 марта таҳрир қилинган?

(“Анна Каренина” романи)

13. Толстойнинг “Уруш ва тинчлик” романидаги энг сеvimли қаҳрамонларни биласизми?

(Наташа Ростова, Пьер Безухов)

14. “Толстой шудгорда” картинасининг муаллифи ким?

(1887 йил, И.Е.Репин)

15. Толстойнинг қайси асарлари театрларимиз сахналарида сахналаштирилган?

(“Тирик мурда”, “Зулмат ҳокимияти”)

Библиотекарю

В 2008-ом году исполняется 180 лет со дня рождения великого русского писателя Льва Николаевича Толстого, создателя непревзойденных художественных произведений, завоевавших мировую славу.

Величайший мастер слова, писатель-реалист Л.Н.Толстой в своих произведениях отразил целую эпоху русской жизни. Его гениальное творчество явилось значительным шагом вперед в художественном развитии всего человечества и вошло в сокровищницу русской и мировой литературы.

Толстой – национальная гордость русского народа и, вместе с тем, гордость всего человечества.

180- летие великого писателя будут отмечать многие народы мира, ибо почитатели таланта гения живут повсюду, его произведения переведены на многие языки мира.

Решением Совета глав государств СНГ 2008 год объявлен Годом литературы и чтения в Содружестве Независимых Государств. Юбилейные мероприятия, посвященные Л.Н.Толстому пройдут во многих странах СНГ, в рамках Года литературы и чтения.

В связи с этим одной из задач информационно-библиотечных, информационно-ресурсных центров и библиотек республики является организация работы по привлечению внимания читателей к творчеству Л.Н.Толстого, а также убедить их, что он вовсе не писатель прошлого, а наш современник, так как его творчество не утратило своего значения и в наши дни. Кроме того провести мероприятия по ознакомлению читателя с переводами на узбекский язык великих произведений писателя. Известными переводчиками Л.Н.Толстого являются замечательные писатели и деятели литературы: Абдулла Авлоний, Абдулла Каххар, Мирзакалон Исмоилий, Уйгун, Айбек, Шейхзада, Аскад Мухтар и многие другие.

Желательно, чтобы на выставках и стендах, при проведении массовых мероприятий, посвященных великому писателю, обязательно демонстрировались его произведения, переведенные на узбекский и иностранные языки.

При организации мероприятий ИБЦ, ИРЦ и библиотекам рекомендуется тесное сотрудничество с русскими культурными центрами Ташкента и областей, литературными и краеведческими музеями, фондами Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» и другими.

Цель данных методических рекомендаций – помочь ИБЦ, ИРЦ и библиотекам в организации мероприятий, посвященных 180-летию замечательного русского писателя.

ЛЕВ НИКОЛАЕВИЧ ТОЛСТОЙ

(1828 – 1910)

180 лет прошло с тех пор, как Россия подарила человечеству одного из величайших его гениев – великого писателя Льва Николаевича Толстого.

В 1903 году по просьбе своего биографа П.И. Бирюкова Толстой начал писать заметки автобиографического характера, увлекся воспоминаниями далекого детства и создал произведение, запечатлевшее первые десять лет его жизни. Оно озаглавлено «Воспоминания». Историю своей жизни, он начал простыми и трогательными словами: «Родился я и провел своё детство в деревне, Ясной Поляне...».

“Радостный период детства”

